

## СУД ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ МИЛЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ж.Ахмедов

Жиноят ишлари бўйича Гурлан туман судининг раиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7401167>

**Аннотация.** Мазкур мақолада коррупцияга, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси суд тизимида коррупциявий ҳолатларни олдини олиш ва унга қарши курашни борасидаги ҳуқуқий асослар ва механизмлар тўғрисида сўз юритилади.

**Калим сўзлар:** коррупция, одил судлов, суд тизимида коррупция ва уни олдини олиш, коррупцияни олдини олишга қаратилган миллий ҳуқуқий ҳужжатлар, коррупцияни олдини олишга қаратилган механизмлар.

### ПРОТИВ КОРРУПЦИИ В СУДЕБНОЙ СИСТЕМЕ НАЦИОНАЛЬНО-ПРАВОВАЯ ОСНОВА БОРЬБЫ

**Аннотация.** В данной статье рассматривается коррупция, в том числе правовые основы и механизмы предупреждения и борьбы с коррупцией в судебной системе Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** коррупция, правосудие, коррупция в судебной системе и ее предупреждение, национальные правовые документы, направленные на предупреждение коррупции, механизмы, направленные на предупреждение коррупции.

### AGAINST CORRUPTION IN THE JUDICIAL SYSTEM NATIONAL LEGAL BASIS OF FIGHT

**Abstract.** This article discusses corruption, including the legal framework and mechanisms for preventing and combating corruption in the judicial system of the Republic of Uzbekistan.

**Keywords:** corruption, justice, corruption in the judicial system and its prevention, national legal documents aimed at preventing corruption, mechanisms aimed at preventing corruption.

Коррупция ҳар қандай мамлакатда қонун устуворлиги, демократик қадриятлар ва инсон ҳуқуқларини амалда таъминланишига жиддий путур етказувчи ижтимоий-салбий ҳодиса ҳисобланади.

Суд тизимида коррупциявий жараёнларнинг мавжудлиги унинг мустақиллик принципини таъминланмаслигига, адолатли суд ишларини юритишга оид ҳуқуқларнинг бузилишига, судларнинг одил судлов фаолиятини холис ва ҳалол амалга оширилишига тўсқинлик қилади.

Мазкур ҳолат эса жамиятда суд тизимига бўлган ишончнинг амалда сусайишига шароит яратиб беради.

Ҳар қайси жамиятда коррупцияга қарши кураш олиб борилар экан, аввало унинг ҳуқуқий асосларини шакллантирмасдан ва такомиллаштирмасдан туриб кутилган натижага эришиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин даврда суд тизимида коррупцияга қарши курашнинг самарали механизмларини шакллантириш, уни амалда қўллаш борасида зарур ҳуқуқий асослар тўлалигича яратилди ва такомиллаштириб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасига мувофиқ, «Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашшига йўл қўйилмайди ва бундай аралашшиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади»- деб кўрсатилган бўлиб, мазкур фундаментал принцип Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси, «Судлар тўғрисида»ги Қонун ва бошқа бир қатор меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар янада аниқлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 29 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида «Адолат бу – давлатчиликнинг мустақкам пойдеворидир. Адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда эса суд ҳокимияти ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бу борада ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп.» деб таъкидлаган эди.

2017 йил 3 январдаги Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 25-моддасида “Судларнинг мустақиллиги ва эркинлигини, улар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш” коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга чек қўйишга, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлашга доир чора-тадбирлар дастурининг асосий йуналишларидан бири сифатида белгиланди.

**2017- 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи устувор йўналишида “Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш мақсадида судьялар ва суд аппарати ходимларининг мавқеини, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш, судларнинг моддий-техника базасини мустақкамлаш, судьяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказишга йўл қўймаслик бўйича таъсирчан чоралар кўриш, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш” лозимлиги мустақкамланди.**

Шунингдек, суд ҳокимияти тизимида коррупция ҳолатларини келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш тизимини янада самарали меҳанизмларини ишлаб чиқиш ва йўлга қўйишни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармони билан тасдиқланган 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастурининг 16-бандида, “суд тизимида коррупцияга қарши курашишнинг самарадорлигини ошириш бўйича зарур чора-тадбирларни қабул қилиш, шу жумладан судьялар малака ҳайъатлари котибларининг ролини ошириш, уларга коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш, судьялар малака ҳайъатлари котибларининг Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг судьялар дахлсизлигини таъминлаш бўйича Суд инспекцияси билан самарали ҳамкорлик қилиши, шунингдек, уларнинг Кенгашга ҳисобдорлиги меҳанизмларини яратиш, судьялар ва суд ходимлари ўртасида профилактик ва тушунтириш ишларини мунтазам равишда олиб бориш, одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашшиш фактлари бўйича судьяларнинг Ўзбекистон Республикаси Судьялар

олий кенгашининг Суд инспекциясига аноним тарзда мурожаат қилиш тартибини жорий этиш, коррупциянинг келиб чиқиш сабабларини тизимли ва чуқур таҳлил қилишни ва уларни олдини олишни таъминлаш” асосий ва долзарб масалалар сифатида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 декабрдаги ПФ 6127-сонли “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупцияни олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мазкур йўналишдаги тарихий ҳужжат сифатида қабул қилинди. Мазкур фармон билан суд ҳокимияти мустақиллигини янада кучайтириш, судьялар дахлсизлигини таъминлаш ҳамда тизимда коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Чора-тадбирлар режасига мувофиқ, илк бор судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш жараёнларининг ошкоралиги ва очиқлигини таъминлаш мақсадида фаолиятга замонавий ахборот-технологияларни кенг жорий қилиш, илк бор, янги ваколат муддатига ёки бошқа судьялик лавозимига тайинлаш бўйича суҳбатда бериладиган саволларни автоматлаштирилган тизим ёрдамида танлашни, шунингдек суҳбат жараёнини бошқа номзодлар мониторинг орқали кузатиб туриш имкониятини йўлга қўйиш, судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш жараёнларини Кенгаш веб-сайти орқали онлайн ёритиб бориш, судьялик лавозимларига номзодлар ва судьяларнинг касбга муносиблигини баҳолашга кўмаклашувчи психологик тест тизимини жорий этишга оид механизмлар ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.01.2021 йилдаги «Суд органлари фаолиятини молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги [ПФ-6134-сон Фармони билан](#) 2021 йилдан бошлаб Конституциявий суд, Судьялар олий кенгаши, Олий суд, қуйи судлар судьялари, Судьялар олий мактаби ва уларнинг аппарати ходимлари, Олий суд ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларининг иш ҳақлари ва қўшимча тўловлари тўлиқлигича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши назарда тутилди.

Ушбу фармон асосида суд органлари ходимларининг иш ҳақлари оширилганлиги коррупция ҳолатларини олдини олишда, судьяларнинг одил судлов фаолиятини амалга оширишларига реал шароитлар яратилишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Чунки, илгари суд органлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг 70 фоиздан ортиғи суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлаб келинган бўлиб, бу тартиб судьяларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш борасидаги халқаро стандартларга мос келмас ва замонавий талабларга мувофиқ суд тизимининг мустаҳкам моддий-техника базасини шакллантириш имкониятини бермас эди.

Умуман олганда, суд тизимида коррупцияга қарши кураш ва унинг олдини олиш борасида миллий-ҳуқуқий қонунчилик асосларини халқаро стандартлар асосида янада такомиллаштириб борилиши мамлакатда одил судлов фаолиятини ҳамда одил судловга бўлган ҳуқуқларнинг амалда таъминланишига реал шароит яратади.

## REFERENCES

1. Ismailovich S. A. Socio-Psychological Problems of Educating an Independent-Minded, Creative Person in the Educational Process //CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE. – 2021. – Т. 2. – №. 12. – С. 4-7.
2. Саидов А., Джураев Р. Баркамол авлодни тарбиялаш-соғлом турмуш тарзини шакллантиришда спортнинг ўрни //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 203-208.
3. Саидов А. pedagogik mahorat: ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш устувор вазифа сифатида //центр научных публикаций (buxdu. uz). – 2020. – Т. 2. – №. 2.
4. Sharifjon To'lqin o'g A. et al. TA'LIM-TARBIYA TIZIMI VA O'QITUVCHILAR FAOLIYATIDA PSIXOLOGIK XIZMATNING AHAMIYATI //MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH. – 2022. – Т. 1. – №. 11. – С. 57-60.
5. Саидов А. СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ ШАХСНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ //Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS). – 2021. – Т. 1. – №. Special issue. – С. 262-266.
6. Саидов А., Джураев Р. Воспитание гармоничного поколения–роль спорта в формировании здорового образа жизни //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 203-208.
7. Saidov A. Historical roots of formation of healthy lifestyle culture psychology in the family //International Journal of Pharmaceutical Research. – 2020. – Т. 12. – №. 4. – С. 628-630.
8. Ismailovich A. S. PROBLEMS OF IMPROVING PSYCHOLOGY OF HEALTHY LIFESTYLE OF UZBEK FAMILY //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – Т. 4. – №. 1. – С. 313-318.
9. Ismoilovich, S. A. SOCIO-PSYCHOLOGICAL PROBLEMS OF THE FORMATION OF THE PSYCHOLOGY OF A HEALTHY LIFESTYLE OF FAMILIES.
10. Azamat, S. (2022). On The Basis Of National Values To Raise A Healthy Generation In The Family. *Journal of Positive School Psychology*, 6(10), 2417-2420.
11. Saidov A. SOCIAL PSYCHOLOGICAL SIGNIFICANCE OF THE FORMATION OF A CULTURE OF A HEALTHY LIFESTYLE IN THE FAMILY //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. B7. – С. 867-871.
12. Saidov A., Avulkhairov F., Razakov F. SCIENTIFIC AND THEORETICAL FOUNDATIONS OF THE PROBLEM OF THE FORMATION IN THE FAMILY OF PERCEPTIONS OF A HEALTHY LIFESTYLE OF YOUNG PEOPLE AND THE STATE OF ITS STUDY //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. B7. – С. 1432-1436.